

## БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ахмедов Акмал Юсуфович

Фарғона Давлат Университети педагогика кафедраси ўқитувчиси

Эгамбердиев Оятиллох Алишер ўғли

Фарғона Давлат Университети талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6877833>

**Аннотация.** Бугунги кунда жамиятда амалга ошириладиган ислохатлар талабларига тўла жавоб берувчи, ишлаб чиқариш соҳасида юзага келган рақобатга бардошли, кескин ўзгаришларга мослаша олувчи, шунингдек, меҳнат бозорида мутахассислар малакасига қўйиладиган талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи шахсни шакллантириш долзарб муаммо ҳисобланади. Ушбу мақолада бўлажак инглиз тили фани ўқитувчиларни тайёрлашда уларда касбий компетентликни шакллантириш масалалари алоҳида ёритилган.

**Калит сўзлар:** касбий компетентлик, коммуникация, компетентлик, мулоқот, бўлажак ўқитувчилар

## ВОПРОСЫ ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА

**Аннотация.** Актуальной задачей сегодня является формирование человека, полностью отвечающего требованиям проводимых в обществе реформ, способного выдержать конкуренцию в производственной сфере, умеющего адаптироваться к внезапным изменениям, способного эффективно работать на уровне требования к квалификации специалистов на рынке труда. В данной статье подробно освещены вопросы формирования профессиональной компетентности при подготовке будущих учителей английского языка.

**Ключевые слова:** профессиональная компетентность, общение, компетенция, общение, будущие учителя.

## ISSUES OF FORMATION OF COMMUNICATIVE COMPETENCE OF FUTURE TEACHERS OF ENGLISH

**Abstract.** An urgent task today is to form a person who fully meets the requirements of the reforms being carried out in society, who is able to withstand competition in the production sector, who is able to adapt to sudden changes, who is able to work effectively at the level of the requirements for the qualifications of specialists in the labor market. This article covers in detail the issues of the formation of professional competence in the preparation of future teachers of the English language.

**Keywords:** professional competence, communication, competence, communication, future teachers.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг барча босқичларида чет тили ўқитишнинг асосий мақсади ўрганувчиларнинг кўп маданиятли дунёда кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориши учун чет тилида коммуникатив компетенцияни шакллантиришдан иборат. Чет тили коммуникатив компетенцияси – ўрганиладиган чет тилида сўзлашувчилар билан мулоқот қилишни амалга ошириш қобилияти ва

тайёргарлиги, шунингдек талабаларнинг тили ўрганилаётган мамлакат маданияти билан танишиш, ўз мамлакати маданиятини янада яхшироқ англаш, уни мулоқот жараёнида тақдим эта олишини назарда тутати. Чет тили фанларини ўрганишнинг асосий вазифаларига, бўлажак чет тили фани ўқитувчиларида қуйидаги компетенцияларни ривожлантириш зарур ҳисобланади.

Лингвистик компетенция (фонетика, лексика, грамматика) ҳақида билимлар ва нутқ фаолияти турлари (тинглаш, гапириш ўқиш ва ёзиш) бўйича кўникмаларни эгаллашни назарда тутати.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Социолингвистик компетенция - сўзловчининг бирор бир нутқий вазият, коммуникатив мақсад ва хошиш истагидан келиб чиққан ҳолда керакли лингвистик шакл, ифода усулини танлаш имконини яратати. Социолингвистик компетенция ижтимоий маданий компетенцияни ўз ичига олиб, аутентик нутқнинг миллий хусусиятларини :ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одатлари, қадриятлари, маросимлари ва бошқа миллий маданий хусусиятларни билиш ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини кўзда тутати.

Прагматик компетенция-ўрганилаётган чет тилида коммуникатив вазиятда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда такроран сўраш ва ҳаказолар орқали мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш қобилиятини назарда тутати. Коммуникатив фаолиятга ёндашув асосида таълимнинг ривожлантирувчи, функционал ва коммуникатив хусусиятларига эга бўлиб ,таълим жараёнида билиш фаоллигини оширишга кўмаклашади. Таълим жараёнида мазкур ёндашув талабаларда рефлексия, ўз-ўзини ривожлантириш, намоён этишга кўмаклашади, чет тили таълимини маданиятлараро мулоқот сифатида ташкил этишга, дарс жараёнида ўқитувчи талабаларнинг ўзаро тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида ўзини намоён этишларини таъминлайди

Коммуникатив қобилият: ўқитувчининг педагогик жамоа ва ота -оналар, маҳалла аҳли билан бўладиган ўзаро мулоқотида, уларнинг руҳий ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдард бўлиш, мулоқотга киришишида пок кўнгиллилик. Ўқитувчи бунда психологик билимларга эга бўлиши, муомала маданиятини мунтазам ўзида шакллантириб бориши лозим.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Коммуникатив қобилият-бу педагогик ўзаро алоқалар доирасидаги ўзига хос тарзда намоён бўладиган мулоқот қобилиятидир. Психологияга оид адабиётларда коммуникатив қобилиятларнинг бир неча гуруҳлари фарқланади:

1. Кишининг бошқа инсонни билиши. Бу қобилиятлар гуруҳида кишига шахс сифатида, шахснинг алоҳида қиёфаси, мотиви ва хатти-ҳаракатларига баҳо беришни, кишининг ташқи кўриниши, хулқи ва ички дунёси нисбатида баҳо беришни; савлати, имо-ишора, мимика, пантомимикасини «ўқий» олишни қамраб олади.

2. Кишининг ўз-ўзини билиши, у ўз билимларини, қобилиятларини, характери, ўз шахсининг бошқа қирраларини ҳамда ташқаридан ва унинг атрофидаги кишилар унга нисбатан қандай баҳо бериши лозим бўлса, шундай баҳо беришни кўзда тутати.

3. Мулоқот вазиятини тўғри баҳолай олиш. Бу вазиятни кузатиш, унинг кўпроқ, ахборот берадиган белгиларини танлаш ва унга диққатни жалб қилиш; юзага

келган вазиятнинг ижтимоий ва психологик мундарижасини тўғри идрок этиш ва баҳолаш қобилиятидир.

Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи томонидан педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари: талаб, истикбол, рағбатлантириш ва жазолаш, жамоатчилик фикри. Талаб - таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчининг тарбияланувчига нисбатан шахсий муносабатларида намоён бўлади. Ўқувчининг у ёки бу хатти-ҳаракати ўқитувчи назоратида бўлиб, ижобий жиҳатлари рағбатлантириб борилади ёки аксинча ножўя хатти-ҳаракати тўхтатиб қўйилади.

Педагогик муносабатда муваффақиятларга эришиш учун ўқитувчи:

- ўқувчилар билан бўлажак муносабатни моделлаштира олиши;
- муносабатда бўладиган синф жамоаси хусусиятларини олдиндан билиши;
- бевосита самимий ва ҳамжиҳатликка асосланган муносабат ўрнатиш;
- муносабатда устунликка эга бўлиб, уни демократик талаблар асосида оқилона бошқариш;
- муносабатнинг ижобий ва салбий жиҳатларини узлуксиз таҳлил этиб бориши лозим.

### **МУҲОКАМА**

Ўқитувчи тарбиячи сифатида тарбияланувчи ўқувчини ўзи учун ҳамиша тарбия объекти деб ҳисоблаши керак. Бироқ тарбияланувчи ўқитувчи-тарбиячи билан эркин ва онгли муносабатда бўлишга эришсагина, тарбиявий муносабатлар самарали характер касб этади. Тарбия жараёнининг коммуникатив муносабатлар жараёнида ўзига хос қатор қоидалари ҳам мавжуд бўлиб, ўқитувчи ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатишда уларни мукамал билиши лозим:

- тарбиянинг аниқ бир мақсадга қаратилганлиги;
- тарбиянинг ҳаётий фаолият билан боғлиқ ҳодиса эканлиги;
- шахсни жамоада тарбияланишида ўзига хос хусусиятлари;
- тарбияланувчи шахсга нисбатан талабчан бўлиш ва унинг шахсини ҳурмат қилиш;
- тарбияланувчининг ёш ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши;
- тарбиявий ишларнинг изчиллиги ва мунтазам олиб борилишини таъминлаш.

### **ХУЛОСА**

Ҳозирги даврда ўқитувчи фаолиятида учрайдиган коммуникатив муносабатларда сўз билан оғзаки таъсир этиш ниҳоятда хилма хил бўлиб, бевосита педагогик таъсир кўрсатишнинг нисбатан мустақил кўринишини ўзида мужассамлаштиради. Билиш, англаш, экспрессив (ҳис-туйғуга берилиш ҳолати), ижтимоий анъанавий мулоқот, инсон ҳолатини сўзсиз тушуниш, дилкашлик ўқитувчининг педагогик фаолиятида учрайдиган доимий такрорланиб турадиган коммуникатив муносабатларнинг турларидир. Тарбиявий жараённи ташкил этишда уларни назарда тутиш лозим.

### **REFERENCES**

1. В.Сухомлинский. “Тарбия ҳақида”. Тошкент .1977 йил. 18- бет.
2. Гойхман О.Я., Надеина Т.М. Речевая коммуникация: учебник. - М.: ИНФРА-М, 2001 167 б
3. Шибутани Т. Социальная психология.- Ростов н/Д:Феникс, 1999. 342 б

4. Зарецкая Е.Н. Риторика: теория и практика речевой коммуникации. - М.: Дело, 2001. 287 б
5. Ван Дейк Т.А. Язык, познание, коммуникация. - М.: Прогресс, 1989. 112-113 б.
6. Андреева Г.М. Социальная психология. - М.: Аспект Пресс, 1996. 376 б
7. Столяренко Л.Д. Основы психологии. – Ростов н/Д.: Изд. «Феникс», 1995. - 538 б.